



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 52
(970)
2025 йил
25 декабрь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



Ҳолат

НЕГА ҚўПОЛМИЗ?

Яқинда бир мактабга ижодий учрашувга таклиф қилишди. У ерда мен ўз кузатувларимни билдирдим. Яъни мактаб ўқувчиларининг сўнгичлигини. Онангни... деб бир бирига бемалол айтадиган бу авлод қаердан пайдо бўлди? Бошқа расво сўзларниқу қўяверинг. Жамоат жойларида катталарнинг ҳам оғзи шалоқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Йўл талашиб сўкинадиганларни эса ҳар қадамда кўрамиз. Қуш инида кўрганини қилади, дегани шумикан? Ақл ўргатишда бизга етадигани йўқ, аммо амалда нолмиз.

...Ижтимоий тармоқ орқали Раҳимберди домланинг шу мавзуга дахлдор гапларини эшитиб қолдим. У киши айтдиларки, бир арокхўр кишига инсоф бериб, мачитга борибди. Жамоатга қўшилиб, намоз ўқиётса, телефони жиринглаб қолибди. Намоздан сўнг ҳамма унга ёпирилиб, нега телефонни ўчириб кирмадинг, қанақа одамсан, дея маломат қилишибди. Эндигина намозга келган киши бундай муносабатдан хафа бўлибдида, яна майхонага борибди. Бир стакан, икки стакан ичибди. Учинчисига келганда хаёл билан стаканни ерга тушириб, синдириб қўйибди. «Оббо, – дебди ўзига ўзи, энди бу ерда ҳам гап эшитсам керак».

Шу пайт унинг ёнига шу жойнинг эгаси келиб, дебди:

... Идиш синганига хижолат бўлманг, юзтаси синсаям майли, фақат қўнгил синмасин...

Хулоса шуки, тилни ҳақоратдан тийиш, ўзгаларга яхши гапириш ҳам бир садақа. Яхши гапириш қийин бўлса, табассум қилинг, табассум ҳам садақа. Ҳақорат қилиш гуноҳ, гуноҳ эса ризқни, умрни кесувчидир.

Мақсуд ХОН




ТАЛАБАЛАР МУАММОСИ УНИ КИМ

ҲАЛ ҚИЛАДИ?



КЕЛА ЖАК –

ЎЙЛАГАНИМИЗДАН КўРА Яқин



ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу ислохотларнинг узвий давоми сифатида 2025 йил 10 июль куни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этилди. Бу дегани, маъмурий

ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги айрим тоифадаги ишлар, яъни МЖТ-Книнг 40-модда (тухмат), 41-модда (ҳақорат қилиш)

44-модда (Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш), 45-модда (Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 46-модда (Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни

ошкор этиш), 461-модда (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 52-модда (Енгил тан жароҳати етказиш), 612-модда (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 1932-модда (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши), 2022-модда (Ёлғон ахборот тарқатиш) тариқасидаги айбли ғайриҳуқуқий ҳаракатлар учун, иш бўйича жабрланувчиларнинг шахсни маъмурий жавобгарликка тортишни сўраб киритган аризасига асосан қўриб чиқилиши белгиланди. Агар юқоридаги маъмурий ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахс, ночор аҳволда бўлган, вояга

етмаган, ҳуқуқбузарга қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда ваколатли органнинг мансабдор шахси жабрланувчининг аризасисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни бошлаши шарт. Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритишда хусусий айбловнинг киритилиши ўз навбатида ҳуқуқий таъсир чораларининг асоссиз қўлланилишини олдини олишга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Сурайёхон ХЎЖАМҚУЛОВА,
Жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек туман судининг
тергов судьяси

КЕЛАЖАК — ЎЙЛАГАНИМИЗДАН КўРА Яқин

XXI асрда инсоният мисли қўрилмаган технологик тараққиёт босқичига қадам қўйди. Сунъий интеллект, нанотехнологиялар, биоинженерия ва генетика соҳаларида эришилаётган ютуқлар келажакда инсониятни қандай ҳаёт кутаётганини тасаввур қилиш имконини бермоқда.

Ўтган асрда яшаган немис файласуфи Фридрих Ницше ўтмиш қай даражада бугунги кунга таъсир кўрсатган бўлса, келажак ҳам шунчалик кучли таъсирга эга эканини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, бугунги кашфиётлар ва замонавий технологиялар эртанги ҳаёт тарзини белгилаб бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, технологик тараққиёт инсон ҳаётини енгиллаштириш ва қулайликлар яратиш билан бирга, муайян муаммоларни ҳам юзага чиқармоқда. Ушбу муаммоларга ечим топиш эса замонавий жамият олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, илгари инсоният эришган кашфиётлар ва илмий ютуқлар жамият ҳаётига секин кириб борган, уларнинг оммалашуви учун йиллар, ҳатто ўн йилликлар талаб этилган. Бугун эса интернет асрида ҳар қандай янгилик дунёнинг энг чекка нуқталарига ҳам лаҳзалар ичида тарқалмоқда.

Сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши инсонларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда муҳим ёрдамчига айланиб бормоқда. Ақлли қурилмалар, рақамли ассистентлар ва автоматлаштирилган тизимлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Энг муҳими, бугунги технологик ўзгаришлар инсон ҳаётини енгиллаштириб, фаровонлик даражасини ошираётгани қувонарли ҳолдир.

Келажакда ихтиро қилиниши режалаштирилаётган ёки айрим ривожланган давлатларда аллақачон жорий этилган технологиялар келажак қанчалик яқин эканини яна бир бор исботлайди. Масалан, келажакда кундалик қўлланадиган тиш ювиш воситалари нафақат тишларни тозалайди, балки уларни таҳлил қилиб, зарур маъ-

лумотларни стоматологга юбориш имкониятига ҳам эга бўлиши мумкин. Шунингдек, телефондаги махсус иловалар орқали кўзларни сканер қилиш ва натижаларни кўз шифокорига етказиш имконияти ҳам оддий ҳолатга айланиши эҳтимолдан холи эмас.


Японияда мактаб ўқувчилари учун ишлаб чиқилган, GPS тизимлари ўрнатилган махсус курткалар орқали эса ота-оналар фарзандларининг қаердалигини доимий назорат қилиб туриш имкониятига эга бўлмоқда.

Шубҳасиз, ахборот технологиялари ва сунъий интеллектнинг ривожланиши виртуал ва реал олам ўртасидаги чегараларни тобора қисқартирмоқда, ҳатто айрим ҳолларда уларни деярли йўққа чиқармоқда.

Ўтган асрда автомобиль эркинлик рамзи ҳисобланган бўлса, бугун интернет ва мобил алоқа замонавий эркинлик тимсолига айланди.

Автомобиль саноати ҳам келажакда туб ўзгаришларга дуч келиши кутилмоқда. Электр қувватида ҳаракатланувчи автомобилларнинг оммалашуви ички ёнув двигателли машиналарни бозордан сиқиб чиқармоқда. Айрим экспертлар ички ёнув двигателли автомобилларни келажакда динозаврларга қиёслашмоқда.

Шу билан бирга, замонавий автомобиллар ҳам вақт ўтиши билан телефонга ўхшаш ақлли гаджетларга айланиши башорат қилинмоқда. Автомобилларга ўрнатиладиган замонавий бошқарув ва хавфсизлик тизимлари ҳайдовчи учун қулайлик яратиш билан бирга, пиёдалар хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, пиёдалар ўтиш йўлақларида автомобилларнинг автоматик равишда тезликни пасайтириши йўл-транспорт ҳодиса-



ларининг олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларимиз ҳам келажакда аниқ мақсадларга хизмат қилиши эҳтимолдан холи эмас. Масалан, мия фаолиятини яхшиловчи, чарчокни камайтирувчи, стрессни бартараф этувчи, уйқу сифатини оширувчи ёки болалик хотираларини уйғотувчи махсус таомлар пайдо бўлиши мумкин.

Шунингдек, “ақлли” музлатгичлар билан дўконлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилиб, маҳсулотлар тугаб бориши билан телефон орқали автоматик хабарнома олиш ҳам оддий ҳаётини воқеликка айланиши кутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, келажак биз ўйлаганимиздан анча яқин. У айнан шу ерда ва ҳозир бошланмоқда. Уни қандай шакллантириш эса бугунги қарорларимиз ва технологияларга бўлган муносабатимизга боғлиқ.

Муроджон МУСТАФОЕВ,
мустақил тадқиқотчи

"ЎЗБЕКИСТОН 2030" СТРАТЕГИЯСИ

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти жамиятда ҳар бир инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси ҳам 2030-йилгача эришиладиган мақсадларнинг мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш, умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш мақсад қилинган.

Стратегиянинг "Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратиш" деб номланган устувор йўналишларида белгиланган мақсадларга эришиш олий таълим тизими, жумладан, университетимиз жамоаси олдида ҳам турган асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

"Ўзбекистон-2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган устувор ёндашувларнинг ижросини ташкил этиш борасида университетда қатор амалий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, университетда мавжуд бўлган фанларнинг ўқув дастурлари халқаро рейтингларда "Топ-300" таликка кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг таълим дастурлари асосида жорий ўқув йилида 2 ва 3-босқич бакалаврият таълим йўналишларидаги ўқув дастурларига тегишлилигича мослаштирилиб, ўқув жараёни ташкил этишда ветеринария ва биотехнологиялар соҳасида фанлар мазмунан бойитилишга эришилди. Булардан ташқари, университетда "Сиёб-Шавкат-Орзу" МЧЖ, "Но-вообод насли парранда" МЧЖ, Сам Агро биотехнология ИН-ВИ-ТРО лабораторияси ҳамда Агро МИР корхоналари билан ҳамкорлик қилиб, улар билан талабаларнинг ўқув амалиётини, иш ҳақи тўланадиган малакавий амалиётини ўташ ташкил этилди.

Жорий йилда ветеринария ва чорвачилик соҳасида профессор-ўқитувчиларимиз таркибидан 17 нафари фалсафа фанлари доктори (ПхД) ва 2 нафари фан доктори

(ДСс) илмий даражасини олиш учун диссертацияларини ҳимоя қилишди, натижада университетнинг илмий салоҳияти ошишига салмоқли ҳисса қўшди.

Ветеринария, биотехнология, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида билим ҳамда илм-фан ютуқлари ва инновацион илғор технологияларни амалиётга жорий этиш, илмий салоҳиятга эга бўлган янги авлод кадрларини шакллантириш мақсадида университетда "Ўзбекистонда ветеринария, биотехнология, чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун илмий кадрларни интенсив тайёрлаш бизнес инкубаторини ташкил этиш" Мега лойиҳа ташкил этилган. Мега лойиҳа доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчилар 14 тур ҳайвон хиллари (от, йирик шохли қорамоллар, қўй, эчки, асалари, курка, товук, бедана, қуён, балиқ ва лаборатория ҳайвонлари) устида ўз тажрибаларини доимий равишда олиб бориш йўлга қойилган.

Белоруссия Республикасининг Витебск давлат ветеринария медицинаси академияси билан 2 та таълим йўналишлари бўйича қўшма таълим дастурлари асосида ва Латвиянинг Латвия табиий билимлар ва технологиялар университети билан 1 та таълим йўналиши ва 1 та магистратура мутахассислиги бўйича қўшма дастурлар асосида мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилиб, кадрлар тайёрламоқда.

Аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини экологик тоза бўлган чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш борасида университетда биргина 2025-йилда 9 та халқаро ва 15 та республика даражасида илмий-амалий конференциялар ўтказилиб, унда Россия Федерацияси, Беларуссия, Қозоғистон ва бошқа республикалардан етук профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар соҳанинг долзарб масалалари бўйича ўз маърузалари билан қатнашди.

Булардан ташқари, жорий йилнинг октабр ойида "Ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда илм-фан ва инновацион технологиялар ўрни" мавзусида И Халқаро форум ўтказилди ва унда МДХ давлатларининг қишлоқ хўжалиги ва ветеринария соҳаси бўйича академиклари ҳамда мутахассислари қатнашиб, маърузалар қилишди, натижада соҳада илм-фан ва инновациялар уйғунлигида ривожланиб, соҳа тараққиёти янги босқичга чиқмоқда.

"Яшил иқтисодиёт" тамойилларини кенг жорий қилиш мақсадида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида университет ва ўқув-тажриба хўжалиги ҳудудида жами 2455 туб мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, парваришланмоқда.

Университетда талабаларни талабалар турар жойи билан қамраб олишини ошириш борасида жорий йилда 300 ўринга эга бўлган яна битта талабалар турар жойи қуриб битказилиб, шу ўқув йилидан бошлаб талабаларга яшаш учун топширилди.

Университетнинг маданий меросини ўрганиш, сақлаш, оммалаштириш ва келажак авлодга етказиш учун университетнинг тарихий музейи қайтадан жиҳозланмоқда. Энди устозларимиз меҳнати маҳсули бўлган ишланма, адабиёт, коллекция, экспонат ва бошқалар билан танишиш учун янги музейга келишнинг ўзи кифоя. Бугунги кунда музейда қорақўл қўйлар тери маҳсулотлари музей экспозициясини безаб турибди. Бу буюмлар ўз қимматига қўра, республикадаги қорақўл қўйлар коллекциясини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 31-мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-187-сон қарори ижроси бўйича университет доирасида 2025-йилга мўлжалланган вазифалар тўлиқ амалга оширилди.

Университет профессор-ўқитувчилари таркибидан профессор Н.Халилов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 25-августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони



билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони билан тақдирланди.

Профессор Х.Б.Юнусов жорий йилнинг октабр ойида Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари Академияси академиги бўлишга эришди.

Университет талабаларидан 2024/2025-ўқув йили учун таъсис этилган давлат стипендиялари танлови бўйича 1 нафар талабамиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси, 1 нафари Ислон Каримов номли давлат стипендияси ва 3 нафар талабамиз Беруний номли давлат стипендияси соҳиблари бўлишди ва бу ишлар давом эттирилиб, бу йил ҳам бундай номдор стипендиялар соҳиблари бўлиш учун талабаларимиз танловда қатнашиш мақсадида ҳужжатларини топширишган.

Академик мобиллик орқали олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўқув-услугий ҳамда илмий фаолиятини ривожлантиришда тажриба алмашишларига замин яратади. Шу асосда бугунги кунда университетимизда мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилишни таъминлаш муҳим мезон этиб белгиланган. Бу айнан, Янги Ўзбекистонда олий таълимдаги стратегик мақсадларнинг тизимли ижроси орқали инсон, хусусан, ёш авлод салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилаётган долзарб вазифаларнинг амалий натижаларидир, десак муболаға бўлмайди.

Шундай қилиб, университетда "Ўзбекистон-2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар босқичма босқич, ўз вақтида сифатли бажарилиб келинмоқда.

Худойназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори, профессор, Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари Академияси академиги

Абдулла Қаҳҳор мураккаб даврда яшади. Шунга яраша ўз замонининг баланд-пастидан ўтди. Лекин ҳаёт йўли сифатида танлаган соҳаси – адабиётда миллатнинг истеъдодли ёзувчиларидан бири бўлиб қолди, қола билди. Бу – жуда муҳим. Зеро, анча-мунча қаламкаш Қаҳҳор насрда кўтарилган юксакликка фақат ҳавас қилиши мумкин. Ёки ҳасад. Танлов – уники.

Қаҳҳорнинг теша тегмаган ибораларининг ўзи – бир мактаб. Шунингдек, зиддиятли ҳаёт йўли, йўл қўйган хатолари ҳам қалб кўзи очик одам учун турган битгани – ибратхона.

Ахир, шундай истеъдодли ёзувчи совет ҳокимияти даврида ўзини қандай тутди, ўз халқи манфаатларига, эътиқоди ва адабиётга қай даражада содиқ қола билди? Қололдими ўзи? Қолган бўлса, бунга қандай эришди, қололмаган бўлса-чи, бунинг учун қандай тўловлар тўлади?

ЮҚУМЛИ

«ҚАҲҲОР»



Нима учун у даҳрийлар империяси даврида, Москва хастахонасида ўлим тўшагида ётар экан, жасадини Ўзбекистонга олиб кетишини шогирди Шухратдан (Тошкентдан чақириб олиб!) илтимос қилди? Ахир, Москвадек дунё пролетариатининг бошкентида мангу қўним топиш совет граждани, совет ёзувчиси учун буюк шараф эди-ку?.. Нима учун яна Шухратга “мени эскича таомилга кўра, жаноза ўқитиб кўминлар!” дея васият қилди? Ахир, у суяк-суягига атеист эмасмиди?!.. Ёки даҳрийлик – тирик қолиш учун юзга тортилган никоб эдими?.. Давр никоби.

Саволлар, саволлар...

Биз эса, бундай ўта муҳим саволларга жавоб топишга уринмай, ўзимизни уринтирмай, негадир энг осон йўл – унга тош отишга чоғланиб қолдик... Биз Қаҳҳор ва у сингари бошқа салафларни қоралаш, уларга тош отиш йўлидан эмас, зарурат бўлганда ҳаёт ва ижодини тўғри баҳолаш ва бундан сабоқ чиқариш йўлидан боришимиз керак, деб ўйлайман. Бу, аслида, ўзимиз учун керак, ўзимиз учун

фойдали. Зеро, эртага бизни ҳам инкор қиладиган, ҳар сўзимиз ва амалимиздан кийик қидирадиган ва албатта топадиган авлод етишиб чиқса (кўпинча шундай бўлади ҳам), дардимизни кимга айтамыз? Гўрдан чиқиб келиб: «болам, мени тушун, мен яшаган даврда бошқача йўл тутиб бўлмасди!» дейимизми? Десак, бизга қулоқ солишармикан?!.. (Бугун биз қулоқ соляпмизми?!..) Қаҳҳорнинг ўзи ғойибдан савол бериб қолса-чи, айтайлик тушимизга кириб: «Сен менинг ўрнимда бўлганимда қандай йўл тутардинг? Ахир, қисматдошларимнинг ҳаммаси деярли мен каби йўл тутишди-ку?! Уларнинг қаери ортиқ ёки менинг қаерим кам?.. Сен-чи, сен? Наҳотки, сен ўзгача йўл тутардим, деб ўйласанг?!.. Ертўлада, зах ва совук ерда, оч ва чорасиз холингда узок муддат исканжага олишса, уришса, одам боласи чидаб бўлмайдиган қийноқларга солишса, яқинларининг номусию ҳаёти билан қўрқитишса ва буларнинг бари сен мағлуб бўлганимча

давом этиши маълум бўлиб турса, нима қилган бўлардинг?!.. Ахир, инсоннинг руҳи таслим бўлмаса ҳам, жисми таслим бўлади-ку, дили тик турса ҳам, тили синади-ку!.. Инсон деганимиз асаб толаларидан иборат яратик бўлса, унинг қийноқларга чидаши ҳам маълум жойгача эканини наҳотки билмасанг?!.. У ёғига одам боласи дош беролмайди. Ёки сен одам боласи эмасмисан?!» деса, жавобимиз қандай бўлади?..

Ҳа, тинч даврда, иссиқ хонада, оғизга шоколад бўлагини солиб, қаҳвани ичганча, босқинчи жосуслар қийноққа солган ва аксарият ҳолда қийноқлардан енгилиб чиққан аждодларни қоралаш – жуда осон. Бунга, яъни қоралашга фақат бир кишигина – ўша исканжалардан соғ-омон чиқиб, ўз муродига етган одамгина ҳақли. (Тарихда эса бундай қаҳрамон деярли учрамайди). Қийноқ вақтида ўлиб қолганлар ҳисобга кирмайди.

Гарчанд Қаҳҳору Фафур Ғулом-

лар қийноққа солинмаган бўлса ҳам, ўша ертўлаларга тушгани рост, бас, агар айтилган йўриққа юришмаса, тақдирлари устозлари – Фитрат, Чўлпон, Қодирийники каби фожиали яқун топишини улар аниқ тасаввур қилишган, суяк-суяклар билан ҳис қилишган. Улар шундай пайтда, яъни бошларига ўлим хавф солган пайтда таслим бўлишган. Асло ўз хоҳишлари билан чопиб бориб устозларини, катта авлод – жадидларни ёвга сотишмаган. Бас, шундай экан, уларни қоралашдан олдин (қоралаш осон!), бундай вазиятга ҳеч биримизни тушириб қўймаслигини Яратгандан сўраб дуо қилмоғимиз керак. Ахир, қиёмат қойим бўлганда биров бировни танимайди, билмайди, ҳамма ўз жонини қутқариш пайига тушиб қолади, дейилмаганми?!.. Ажаб, нега шундай дейилган экан? – бир ўйлаб кўрайлик. Бу илоҳий огоҳлантириш инсон табиятидан, унинг

нимага қодиру нимага қодир эмаслигидан келиб чиқмаяптими сизча?!.. Бас, шундай экан, боскинчиларнинг НКВД чилари томонидан уюштирилган “қиёмат”да “ўзимни Қахҳордек, Ғафур Ғуломдек тутиб, авлодлар маломатига қолмайман, у ердан омон чиқаман”, дея катта гапирмаслик маъқулмикан...

Шобот Хўжаев – Москвага А. Қахҳорнинг олдида борган машҳур ўзбек врач. У киши билан камина бир неча бор учрашганман, суҳбатини олганман. “Шарқ юлдузи” ва “Звезда востока” журналларида муҳаррир бўлиб ишлаганимда Шобот ака қаламқаш неварасини олиб келган. Шундай келишларидан бирида Қахҳор ҳақида гап кетиб, “Қахҳорни йўқ қилишди” деганди. Ажаб, хужайра-хужайрасигача совет ёзувчиси дейдиганимиз Қахҳорни нега йўқ қилишди экан? Қайси “хизматлари” учун?.. Афтидан, у тузумга ва унинг жилловини тутганларга ёқмайдиган ишлар қилган, сўзлар айтган. Ўша машҳур сўзи – “Мен партиянинг аскарлари эмас, онгли аъзосиман” дейиши (гарчи шунга яқин фикрни М.Шолоховга нисбат беришади) ўша вақт учун инқилобий гап эди. (Аскар – ҳар қандай буйрукни сўзсиз бажарувчи куч. Онгли аъзо эса

на истёждодли ёшларни ўз қаноти остида олганининг, айтайлик, ёш А.Ориповнинг бошида қора булутлар сузиб қолганда шоирнинг “Муножот” шеъридан бир парчани ўзининг машҳур “Ўтмишдан эртаклар” қиссасига эпиграф қилиб тақиб қўйганининг ўзи ўша давр учун жасорат эди. И.Ҳаққул “Абдулла Қахҳор жасорати” деган китобни бежиз ёзмаган. Чиндан ҳам у ўз авлоди ичида энг жасоратлиси бўлган Қахҳор.

Ботир ака деган бир отахон сўзлаб берганди менга: Дўрмонда Абдулла Орипов тенг-тўшлари билан ош қилиб, озгина “анавин”дан олиб ўтирган экан. Машина тўхтабди-да, ичидан Қахҳор тушиб келибди. Устознинг хурматига ҳаммалари сўридан тушиб, сўрашадилар. Кейин устозни тўрига таклиф қилишади. Қахҳор таклифни рад этаркан: “Сизлар баҳузур ўтиринглари! Фақат бир гап ёдларингда бўлсин: ҳаммангни манави қозонга солиб қовурса ҳам битта Абдулла (Орипов назарда тугилади) чиқмайди. Шундай экан, уни эҳтиёт қилинглари!” дея ярим ҳазил, ярим чин қабилда сўз айтиб, йўлида давом этади... Ўша қозон эгаси, яъни ошпаз – Ботир ака бўлади.

Биз аждодлар ва авлодлар ўрта-

қарши гап бўлса, шуни танқид қилайлик.

Майли, ёзайлик ҳам, дейлик. Унда манзарани тўлиқ акс эттиришимиз талаб этилади. Бизга чала эмас, тўлиқ ҳақиқат керак. Дейлик, Қахҳорнинг таназзулини кўрсатар эканмиз, юксалиш йўлларини ҳам акс эттира олайлик. Юксалмаган киши қандай қилиб пастга қулайди? Йўқса, у ўртамеъна адиб эмасди. Энг зўрларидан бири эди. Кеча ҳам, ҳозир ҳам. Биргина мисол: XX асрда жадидлар янги ўзбек адабиётига асос солар эканлар, янги тур ва жанрларни барпо қиладилар. Қодирий илк ҳикояни ёзади. Чўлпон ва бошқалар давом эттиради. Лекин рисоладаги ҳикоя жанри талабларига ростмана жавоб бергич ҳикояларни Қодирий эмас, Чўлпон ҳам эмас, балки айнан Қахҳор ёзган. Бу ўзбек адабиётининг янгилашишига қўшилган буюк хизмат эди. Ажаб, феълдаги нуксонлар, ҳаёт йўлида йўл қўйган хатолар туфайли инсоннинг бутун-бутун хизматлари шундоқ чиқиндига чиқариб юбориш мумкинми?..

Машҳур ва сеvimли ёзувчимиз Х.Дўстмуҳаммаднинг “Қахр” қиссасига келсак, мен уни қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бироқ қониқиш билан эмас. Чунки, назаримда, давр манзараси, Қахҳор ва бошқа персонажлар портрети бир томонлама акс эттирилган. Қахҳор – ўта машҳур ёзувчи. У ҳақдаги танқидий қараш акс этган “Қахр” дек асар кўпчилик эътиборини тортиши табиий. Қолаверса, биз кимнингдир “фош” қилинишига ўчмиз. Шунинг учун ҳам ўқувчилар орасида ҳозиргидек тортишувлар, баҳслар бўляпти. Асарнинг аҳамияти йўқми? Бор.


У, аввало, мана шундай баҳсларга сабаб бўлгани билан аҳамиятли. Бироқ баҳслардан биз тўғри хулоса билан чиқяпмизми ёки йўқ – мана бу гап муҳим! Асар “Ўтмишга қандай муносабатда бўлиш керак?” деган кўхна саволни яна бир бор кун тартибига қўйдики, жавобини соғлом



қарашларга суянган ҳолда қўлга киритмоқ талаб этилади. Ушбу битик ҳам шу мақсадда ёзилди. Асло, А.Қахҳорни кўкка кўтариш ёки Х.Дўстмуҳаммад асарини танқид қилиш учун эмас. (Жуда нари борса, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Қахр”и Қахҳор ҳаёти ва ижоди-га битта қараш бўлса, ундан ҳам бошқа кўплаб нуқтаи назарлар бор, деган мақсадда ёзилди, деб тушунинг). Эътибор берилса, камина “Қахр” қиссаси тўғрисида эмас, Қахҳор ва, умуман, ўтмиш меросга муносабат ҳақида сўз сўзлашга ҳаракат қилдим. Чунки ижтимоий тармоқларда қисса баҳона айнан ўтмиш мероси ва унда ҳаракатланган сиймоларга бўлган муносабат кўп ўринларда соғломликдан узоқлашиб бормокда.

Фикр юритайлик, фикр билдирайлик, лекин, муҳими, ўз қарашларимизда қораловчи курсисига ўтириб олиб, кимнингдир юзига бармоғимизни нуқиган кўйи: “сен айбдорсан!” дея кўлимизни бигиз қилмайлик. Масаланинг бир томони “Кул хатосиз бўлмас”, иккинчи томони эса – бизнинг ўзимиз “қахрамон”имиз ўтган йўллардан ўтканимизча, улар тушган чуқурлардан соғомон чиққанимизча йўқ. Бас, шундай экан, ўтмишга, ўтмишдаги қахҳорларга қахр қилмайлик. Зеро, қахр юқумлидир.

Улуғбек ҲАМДАМ



ўша буйрукни ўз ақли билан ўйлаб кўради. Маъқул бўлса, бажаради, йўқса, йўқ). Фақат биз амаллар ва сўзларни давр контекстидан узиб олиб, бугунги кун имконларидан туриб баҳолашга мойилмиз. Бундан тепароқ кўтарила олмаймиз. Шу учун ҳам ўзимиздан олдин ўтганларнинг тутимлари бизга кўпинча бошқача келади: уларни ё ортиқча мақтаб юборамиз ёки танқид қилиб ерга киритиб юборамиз. Ўрта йўлни билмаймиз. Қахҳорларни тушуниш, унинг ҳаёт ва ижод йўлини англаш учун айнан ўрта йўл керак. Ҳа, у ҳам фаришта эмасди, адиб сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам камчиликлари бор эди. Зеро, “хатосиз қул бўлмас”. Бироқ бу дегани бизга унинг бутун хизматларини бутунича суриб, супириб, ўзига эса нафрат ва қахр сочиш ҳуқуқини бермайди. Бирги-

сига нифоқ солиш йўлидан бормаслигимиз керак. Бугун кеча ўтган ижодкорни “фош” қилсак, эртага издошларимиз бизни “фош” қиладди, бешикда ётганлар бўлса, вақт келиб бизни “фош” қилганларнинг «миси»ни чиқаради, шундайми?.. Биз қандай анъанани бошламоқчимиз? Бу – хатарли йўл.

Тўғри, миллат тақдири учун керакли бўлса, ўрни бўлса, тўғри бўлса, давлат раҳбарларининг сиёсат йўлини холис тадқиқ ва таҳлил қилиш, бугунги кун учун зарур жиҳатларини тафтиш қилиш мумкин, ҳатто керак. Чунки бундай инсонлар зиммасида тўғридан тўғри мамлакат ва эл тақдири ётади. Лекин, худо хайримизни берсин, қахҳорлар бундай одамлар эмасди-ку!.. Шундай экан, уларни ёзганларини текширайлик. У ерда миллатга, эзгуликка, келажакка



САЛОМАТЛИКНИНГ

ОЛТИН ҚОИДАСИ

Касалликларни даволашдан кўра, унинг олдини олиш муҳим. Саломатликнинг асосий омилларидан бири тўғри овқатланишдир. Дастурхонимизга келадиган ҳар бир маҳсулот тана учун ёқилги вазифасини бажаради.

Аммо биз кўпинча овқат нафақат калория манбаи, балки дори ҳам эканлигини унутамиз. Олимлар кунига беш порция сабзавот ва мевани мунтазам истеъмол қилиш умрни бир неча йилга узайтириши ва саратон касалликлари хавфини деярли 20 фоизга камайтиришини исботлашган. Қизиқ жойи шундаки, айнан брокколи, исмалоқ ёки петрушка каби яшил сабзавотлар хужайралар қаришини секинлаштирадиган ва аклий қобилятларни яхшилайдиган моддаларга бой. Кўпинча газакни чипслар ўрнига олма ёки йогурт билан алмаштиришнинг ўзи кифоя – шу билан сиз аллақачон саломатлик сари кадам қўйган бўласиз.

Ҳаракатсиз ҳеч қандай турмуш тарзини соғлом деб бўлмайди. Камдан-кам одам ўтроқ ҳаёт тарзи тамакидан кўра кўпроқ одамни ҳалок этишини ўйлайди. Шифокорлар ҳаракатсизликни «янги эпидемия» деб аташмоқда. Бироқ саломатлик

учун залда оғир юк кўтариб юришнинг ҳожати йўқ. Диабет, семизлик ва юрак касалликлари хавфини сезиларли даражада камайтириш учун кунига 30 дақиқа фаол юриш кифоя. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар куни 10 000 кадам юрадиган одамларнинг муддатидан олдин вафот этиш эҳтимоли кам ҳаракатли турмуш тарзини юритадиганларга қараганда 50 фоизга камроқ экан. Ҳатто 15 дақиқа боғда ишлаш ёки бола билан очик ҳавода ўйнаш ҳам узок умр кўришингизга ҳисса қўшади.

Уйқу, эҳтимол, саломатликнинг энг кам эътибор бериладиган омилдир. Тўлақонли уйқу – бу тананинг тикланиши, миянинг токсинлардан тозаланиши ва иммунитетнинг мустаҳкамланиши учун ягона усул. Кунига мунтазам равишда 7-8 соат ухлайдиган одамларнинг вазни барқарорроқ бўлади, камроқ касал бўлади ва узокроқ вақт давомида фикрлаш қобиляти аниқ бўлади. Қизиқ жойи шундаки,

ҳатто 1 соатлик уйқу етишмаслиги иммунитетни пасайтирадиган ва қаришни тезлаштирадиган стресс гармони кортизол даражасини оширади. Яхши уйқу ҳашамат эмас, балки ҳурмат қилиниши керак бўлган кундалик физиологик эҳтиёждир.

Саломатлик нафақат жисмоний, балки ҳиссий ҳолат ҳамдир. Ижобий ҳис-туйғулар, қувонч ҳисси, миннатдорчилик туйғуси нафақат кайфиятни, балки юрак фаолиятини ҳам яхшилайдди, қон босимини пасайтиради ва тушқунликдан ҳимоя қилади. Кулги организм учун ҳақиқий машғулоти эканлиги исботланган. Кулги пайтида юрак уриши тезлашади, ўпка ва диафрагма ишлайди, калориялар ёнади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 10 дақиқалик самимий кулги велотренажёрдаги 15 дақиқалик юкламага тенг ҳисобланади.

Ва ниҳоят – сув. Оддий, тоза, шакарсиз ва бўёқларсиз сув. У қонимизнинг асосини ташкил этади,

мия фаолиятини қўллаб-қувватлайди, тана ҳароратини тартибга солади, терини намлайди. Мунтазам равишда сув ичиш фикрлаш самардорлигини ошириши ва хотирани 30 фоизга яхшилаши ҳақида маълумотлар бор. Кунни бир стакан илиқ сув билан бошлаш овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган ва организмни тозалайдиган оддий одатдир.

Соғлом турмуш тарзи – бу мода эмас, балки онгли танловдир. Дарҳол идеалга интилишнинг ҳожати йўқ. Асосийси – кичик нарсалардан бошлаш кўпроқ ҳаракат, онгли овқатланиш, тўлақонли уйқу, бир томчи ижобийлик ва сув. Бу ҳар бир киши амалга ошира оладиган бешта оддий кадам.

Демак, саломатликни асраш ўз қўлимизда ва бунга амал қилиш ҳаётимизнинг олтин қондасига айланиши керак.

Зарина НОСИРОВА,
Самарқанд давлат тиббиёт
университети доценти

ЯХШИНИ КЎРМАЙ, ЁМОННИ ЯШИРМАЙ ҚЎЙДИК

Бугунги ўзбек жамиятида ҳамма бирдай кимдир, ниманидир ёки қайси соҳанидир танқид қилиш билан овора. Интернетнинг бутун ўзбек сегментида негатив жуда кўпайиб кетди. Аслида бу жамиятда ўша танқид қилувчилардан бошқа одамлар яшамайди. Ўша камчиликлар бировнинг эмас, ўзимизнинг камчиликлар эканини ўйламаяпмиз.



Бир йилча олдин Индонезияга хизмат сафари билан борганимизда, натижалари бизникдан анча яхши катта-катта профессорларнинг ойлик маоши бизникдан анча кам эканлигининг гувоҳи бўлди. Аҳолининг бошқа қатламида ҳам

даромад ҳаминқадар. Йўлнинг четидадир, пиёдалар йўлагидадир бир-икки метр жойда нимадир сотиб тирикчилик қилаётганлар жуда кўп. Оддий скутерни тайёр овқатларни сотишга қайта жиҳозлаб, одамлар гавжум жойда савдо қилаётганларни солиқчилар ҳам, участка инспекторлари ҳам қувлаб солмайди, нарсасини тортиб олмайди. Журналисту блогерлариям йўлакни банд қилиб қўйган одамлар ҳақида турли майда негативлар ёзмайди. Жамият ўта сокин. Нолиб эмас, ҳаётдан завқ олиб яшайпти одамлар. Биздани, фақат негатив.

Масалан, телеграмдаги айрим каналлар маълумотни текширмасдан пақиллатиб босаяпти. Кимдир кимдир билан ёвлашса, иғвою бухтон гаплар билан шундай каналларга берапти. Улар ҳам борганини “ўқиб ҳам кўрмай” чиқараяпти. Бундай каналлар ўзбек жамиятидан, ўзи туғилиб ўсган мамлакатдан аламзадаларга тегишли. Уларда на журналистик масъулият бор ва на жавобгарлик. Нега шундай масъулиятсиз ахборот каналига одамлар муккасидан кетди?

Чунки жамият аъзолари қонун билан белгиланган ўзаро шахсий кадр-қимматни ҳурмат қилмай қўйди. Кимдир қанақа қилиб бўлса-да обрўсизлантиришга ҳаддан ортиқ берилиб кетди. Бундай вазиятда сохта ОАВ минбар вазифасини ўтаб бермоқда. Хуллас, яхшини кўрмай, ёмонни яширмай қўйдик. Назаримда, кенглик, вазминлик, хотиржамлик етишмаяпти жамиятимизда.

Умид ХЎЖАМҚУЛОВ

Кузатув

START UP

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитасиЎзбекистон
маҳаллалари
уюшмасиЎзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциациясиТадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВБош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1210
Адади: 1600
Пайшанба кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6ТАЛАБАЛАР МУАММОСИ
УНИ КИМ ҲАЛ ҚИЛАДИ?

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар ва талабалар стартап лойиҳаларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Инновацион ривожланиш агентлиги, “Ёшлар – келажагимиз” дастури ва IT Park резидентлиги орқали ёшларнинг ғояларини амалий лойиҳаларга айлантириш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Ушбу ташаббуслар орқали минглаб талабалар грантлар, тренинглар ва менторлик хизматларига эга бўлиб, инновацион йўналишларда фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда пойтахт ва йирик шаҳарлар олий таълим муассасаларида стартап марказлари фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университети, Турин политехника университети, Вестминстер халқаро университети ва Амрити университети каби олийгоҳларда талабалар стартап инкубация ва акселерация дастурларида қатнашмоқда. Бу марказлар ёш тадбиркорларга менторлик, бизнес режа тузиш, инвестор топиш ва техник инфратузилма билан ишлаш имконини беради.

Худудий университетлар ҳам стартап маданиятини ривожлантиришда фаол рол ўйнамоқда. Мисол учун, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қарши давлат университетларида стартап танловлар, инновацион ҳафталиклар, лойиҳа химоялари ва бизнес семинарлар мунтазам ўтказилмоқда. Бу тадбирлар талабаларда ижтимоий масъулият, жамоада ишлаш ва бозор эҳтиёжларини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиради. Давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ҳам сезиларли.

Мамлакат миқёсидаги стартап танловларда ғолиблар кўпинча 300 миллион сўмгача миллий грант билан тақдирланади, шунингдек, инновацион лойиҳалар учун 50 минг АҚШ долларигача инвестиция ва қўллаб қувватлаш имконияти яратилган. Бу маблағлар талабаларни нафақат ғояларини синаб кўришга, балки уларни халқаро бозорга олиб чиқишга ундайди.

Шунга қарамай, талабалар стартапларини ривожлантириш жараёнида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Улардан бири бу ахборот етишмаслиги. Қўллаб талабалар мавжуд грантлар, танловлар ва қўллаб қувватлаш дастурлари ҳақида кеч хабардор бўлади ёки умуман билмайди. Иккинчи муаммо эса амалий билим ва тажрибанинг етарли даражада бўлмаслиги. Назарий билимларга эга бўлиш билан бирга, талабалар кўпинча молиявий ҳисоб-китоб, бозор таҳлили ва саноатга мос маҳсулот яратиш бўйича қийинчиликларга дуч келади.

Худудлар ўртасидаги инфратузилма тафовути ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Тошкент ва йирик шаҳарлардаги университетларда стартап экотизими кучли бўлса, вилоят марказларидаги олийгоҳларда ментор, инвестор ва технологик ресурслар етишмаслиги талабалар имкониятларини чеклайди. Шунингдек, айрим маблағлар амалий натижага айланиши секин кечаётгани, стартапларнинг барқарор ривожланмасдан тўхтаб қолиши кузатилмоқда.

Талабалар стартапларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон келажаги учун муҳим стратегик йўналиш бўлиб қолмоқда. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ахборот тарқатишни кучайтириш, худудий версияда менторлик ва технологик инфратузилмани мустаҳкамлаш орқали ёшлар инновацион ғояларни муваффақиятли бизнес лойиҳаларга айлантира олади. Бу эса нафақат талабалар келажагига, балки мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ҳам сезиларли ҳисса қўшади.

Дилдора НУТФИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университетининг Хорижий
тиллар таълими кафедраси катта
ўқитувчиси



МКВАНК

**“МИКРОКРЕДИТБАНК”
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ
ЖАМОАСИ**

барча юрtdошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги – 2026 йил

билан муборақбод этади.

*Хонадонингиз осойишта, дастурхонингиз тўкин,
ҳаётингиз фаровон бўлсин.*

*Жамоамиз янги йилда ҳам
барчага сифатли хизмат кўрсатишдан
манфаатдор.*

2026